

МКИ D 03 D 49/60

ТҮҚУВ ДАСТГОХИ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА БАТАН МЕХАНИЗМИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Джураев А

Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти

Худайбердиева М.А

Бухоро муҳандислик-технология институти

Аннотация: Түқув машинасининг батан механизми бош валда ўрнатилган кулачок, у билан боғланган контрукулачокка, батан валига маҳкамланган уч елкали ричагга шарнирли ўрнатилган, кулачокларнинг ён томонлари билан туташадиган иккита роликка эга, ричагнинг учинчи елкаси бердони кўтарувчи батан бруси билан боғланган бўлиб, шуниси билан фарқланадики, кулачок ва контрукулачок уланадиган қилиб тайёрланган ва ҳар бир кулачок эгри чизиқли ён томонлари билар ташки ҳалқа ва асосдан иборат, уларнинг орасида эса эгри чизиқли шакли билан резина ҳалқа ўрнатилган.

Калит сўзлар: Батан механизми, эгилиши-бурилиши тебранишилари, кулачок, вал,

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ МЕХАНИЗМА БАТАН,
ПОВЫШАЮЩЕЕ НАДЕЖНОСТЬ И ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТЬ ТКАЦКОГО
СТАНКА

Джураев А

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Худайбердиева М.А

Бухарский инженерно-технологический институт

Аннотация: Батанный механизм ткацкого станка, содержащий кулачок сопряженый с ним контрукулачок, установленные на главном валу, контактирующие с профилями кулачков два ролика, установленные шарнирно на трех плечом рычаге, закрепленном на батанном валу, третье плечо рычага соединено с батанным бруском, несущем бердо, отличающийся тем, что кулачок и контрукулачок выполнены составными и каждый кулачок содержит основания и наружное кольцо с криволинейными профилями, а между ними установлены упругое резиновое кольцо с криволинейными профилем.

Ключевые слова: батанный механизм, изгибно-крутильные колебания, кулачок, вал

IMPROVEMENT OF THE DESIGN OF THE BATAN MECHANISM, INCREASING THE RELIABILITY AND PERFORMANCE OF THE LOOM

Djurayev A

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Khudayberdyeva M.A

Bukhara Institute of Engineering and Technology

Annotation: The batan mechanism of the loom, containing the cam, the counter cam associated with it, mounted on the main shaft, two rollers in contact with the cam profiles, pivotally mounted on a three-arm lever fixed on the batan shaft, the third arm of the lever is connected to the batan bar carrying the reed, characterized in that that the cam and the counter cam are made composite and each cam contains a base and an outer ring with curved profiles, and an elastic rubber ring with a curved profile is installed between them.

Keywords: rod mechanism, bending-torsional vibrations, cam, shaft

Тўқимачилик дастгоҳларида мато ҳосил қилишда асосий механизм - батан механизми ҳисобланади. Батан механизми тўқув машинасининг асосий технологик механизмларидан биридир. Тўқув дастгоҳида батан механизми қўйидаги вазифаларни бажаради:

- арқоқ ипини тўқима қирғогига жисплаштириш;
- тиғ тишларидан танда ипларини бир текис ўтказиш билан тўқиманинг танда бўйича зичлигини таъминлаш
- тўқиманинг энини ушлаб туриш;
- арқоқ ташлагичнинг ҳомузадаги ҳаракати учун йўнал тиравчи вазифасини бажариш.

Батан давомийлик каби таъсирга эга бўлиб, бошқа барча тўқув механизмларининг ишлаш даврларида иш бошланиши ва охири бурчаклари бўйича ҳаракатланади.

Батан механизми ишлаш жараёнида мураккаб тебраниш жараёнлари юзага келади, бу унинг ҳаракат қонунининг бузилишига, кучайишига олиб келади. Тезлашувлар амплитудаси, статик ҳисоб-китобларга нисбатан унинг барча бўғинларида юкларнинг ошишига олиб келади. Асосий параметрларнинг таъсирини ўрганишда батан механизмидаги бурилиш тебранишлари учун биз соддалаштирилган эластик ва тарқатувчи кучлар моделдан фойдаланамиз.

Батан механизмининг конструкцияси маълум бўлиб, унда батан, тўқув кулачок ва контргулачок билан дастгохининг бош вали, тўқув дастгохининг батан вали ва тўқув дастгохининг батан вали остида кулачокли юқ туширгич мавжуд бўлиб, бир уни пружина билан боғланган, иккинчи уни эса тўқув дастгоҳи станинасига шарнирли маҳкамланган тебранувчи коромислога шарнирли боғланган ролик ҳаракатланувчи

кулачокдан ташкил топган. Ушбу конструкцияда кулачокли юк туширгичнинг пружинаси батанинг энергия тўплагиши бўлиб ҳисобланади. Кулачокли юк туширгичнинг кулачоги пружина орқали тўпланган энергиянинг тақсимланишини ва батан инерция кучларини тўлиқ мувозанатлаши ва батанинг тирқишиз илгариланма-тебранма ҳаракатини яратиш учун зарур бўлган энергиянинг пружинадан узатилишини бошқариш функциясини бажаради [1].

Тўкув батанинг маълум конструкциясида тўқимачилик дастгоҳининг батан механизмидаги қувватни тенглаштириш учун батан вали остига ўрнатилган бердоли батан, бир учи билан батан билан боғланган, батанга камида бир аккумулятор энергия мажбурий тирқишиз илгариlama-қайтма ҳаракат бериш учун батан билан геометрик туташган, дастгоҳининг бош вали билан кинематик боғланган батан юритмасига эга. Энергия аккумулятори батанинг кинематик энергиясини тўплаш ва юритманинг ҳаракатлантирувчи моментини камайтириш учун бошқа учи қўзғалмас қилиб маҳкамланган [2].

Ушбу механизмнинг камчилиги бўлиб, шунингдек, пружинали амортизаторларининг мураккаб тебранишлари туфайли паст ҳаракат режимлари ва конструкциянинг мураккаблиги ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларидан маълумки, арқоқ ипининг урилиш кучи 800-850 Н га етади ва бу батан валининг таянчларида реакция кучларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, урилиш кучининг катта қийматлари маълум даражада дастгоҳининг унумдорлигини оширишни чеклади [3].

Тўқимачилик дастгоҳининг яна бир батан механизми бош валга ўрнатилган кулачок ва у билан бириктирилган контрукулачокдан (жуфтланган), уч елкали ричагга шарнирли ўрнатилган, кулачокнинг ён томонлари билан туташадиган иккита роликдан иборат ва ричагнинг учинчи елкаси батанинг парраги ҳисобланиб, унга бердони кўтариб турувчи батан бруси бириктирилган. Ричаг батан валига ўрнатилган ва ҳар икки томонга тебраниб туради [4].


Ушбу конструкциянинг камчилиги шундан иборатки, батанинг қайтма-тебранма ҳаракатида механизмда мувозанатлашмаган инерция кучлари пайдо бўлади, бу эса кинематик жуфтликдаги реакцияларнинг кучайишига ва тўкув дастгоҳининг бош валининг нотекис айланишига олиб келади. Натижада, батанинг ҳаракат қонуни лойихаланадиган ҳаракат қонунидан фарқ қиласи. Бундан ташқари, батанинг инерция кучлари таъсирида, кулачокнинг бир марта айланишида, батан роликларининг кулачокдан контрукулачокка икки марта ўтиши содир бўлади, бу эса тўкув дастгоҳи механизмида зарбалар ва тебранишларнинг кучайишига олиб келади. Бундан ташқари, кулачоклар ва роликлар сиртларининг ейилиши содир бўлади ва механизмнинг ишлаш муддати камаяди.

Бош валга ўрнатилган контрукулачок билан бириктирилган кулачокка эга бўлган тўқимачилик дастгоҳининг батан механизми маълум, батан валига маҳкамланган уч елкали ричагга шарнирли ўрнатилган, кулачокларнинг ён сиртлари билан

туташадиган иккита ролик, ричагнинг учинчи елкаси бердони кўтариб турувчи батан бруси билан бирлаштирилган, шу билан бирга роликлар уланма қилиб тайёрланган ва ҳар бир ролик эластик резина ва ташқи втулка кийдирилган шарикка эга, шу билан бирга қулачок билан туташувчи ролик эластик резинали втулкасининг қалинлиги контрукулачок билан туташувчи ролик эластик резинали втулкасининг қалинлигига нисбатан икки баравар катта, шу билан бирга уч қулачокли ричаг батан вали билан буралиш пружинаси ёрдамида боғланган [5].

Прототип сифатида [4] га мувофиқ конструкция қабул қилинган.

Конструкциянинг моҳияти шундан иборатки, тўқув дастгохининг батан механизмида бош валга ўрнатилган қулачок ва у билан боғланган контрукулачокка, қулачокларнинг ён томонлари билан туташувчи, батан валининг уч елкали ричагида шарнирли ўрнатилган иккита роликка эга, ричагнинг учинчи елкаси бердони кўтариб турувчи батан бруси билан бирлаштирилган, шу билан бирга қулачок ва контрукулачок эгри чизиқли ёнбоши билан ташқи ҳалқа ва асосни ўз ичига оловчи уланадиган қилиб тайёрланган, уларнинг орасида шунингдек эгри чизиқли шакл билан резина ҳалқа ўрнатилган. Ташқи ҳалқали асосни эгри чизиқли шакл билан бирлаштириш маҳсус елим ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга иш жараёнида ҳалқали резина амортизаторларни қўллаш хисобига роликларнинг қулачоклар билан силлиқ ўзаро таъсири содир бўлади. Бунинг натижасида ишқаланиш, ейилиш ва шовқин пасаяди, механизмнинг пухталиги ошади. Ўзгартириш натижасида унумдорликни ошириш имконияти пайдо бўлади.



Таклиф этилаётган конструкция чизма билан изоҳланиб, бу ерда 1-шаклда батан механизмининг умумий схемаси, 2-шаклда 1-шаклнинг А-А кесими келтирилган.

Конструкция бош вал 4 га ўрнатилган корпус 1, қулачок 2, контрукулачок 3 дан ташкил топган. Шу билан бирга қулачок 2 ва контрукулачок 3 уланадиган қилиб тайёрланган, қулачок 2 эгри чизиқли шакли билан ташқи ҳалқа 17, худди шундай эгри чизиқли шакли билан асос 16 дан ташкил топган, улар орасида эса ўзаро маҳсус

елим билан бириктирилган бир хил эгри чизиқли шакли билан резина ҳалқа 18 ўрнатилган. Кулачок 2 билан бириктирилган контрукулачок 3 ҳам эгри чизиқли шаклли билан ташқи ҳалқа 14, эгри чизиқли шакли билан асос 13 дан уланадиган қилиб тайёрганланган, улар орасида эса эгри чизиқли шакли билан резина ҳалқа 15 ўрнатилган бўлиб, улар ўзаро маҳсус елим билан бириктирилган. Ташқи ҳалқалар 14 ва 17 нинг ташқи эгри чизиқли шакллари билан мос равишда батан вали 11 га маҳкамланган уч елкали ричаглар 8 ва 9 га шарнирлар 7 билан ўрнатилган роликлар 5 ва 6 туташади, ричагнинг учинчи елкаси 10 бедро 12 ни кўтариб турувчи батан бруси билан бириктирилган. Эластик резина ҳалқалар 15 ва 18 мойга чидамли материалдан тайёрганланган.

Батан механизми қўйидаги тартибда ишлайди. Кулачок 2 ва ва у билан жуфтланган контрукулачок 3 айланма ҳаракатни бош вал 4 дан олади. Шу билан бирга уч елкали ричаг (итаргич) роликлар 5 ва 6 нинг кулачоклар 2 ва 3 нинг ён томонлари билан доимий туташуви ҳисобига тебранма ҳаракат олади. Бу ҳаракат бердо 12 билан брус (ричаг 7 нинг елкаси) 10 га узатилади.

Батан механизмининг иш жараёнида роликлар 5 ва 6 кулачоклар 2 ва 3 нинг эгри чизиқли ташқи ҳалқалари 4 ва 17 билан ўзаро ҳаракат қиласи. Шу билан бирга кулачоклар 2 ва 3 радиусларининг ўзгарувчанлиги ва оғирлик кучлари ҳисобига босим кучлари пайдо бўлади. Эластик резина ҳалқалар 15 ва 18 деформацияланиб, роликлар 5 ва 6 ҳамда ташқи ҳалқалар 14 ва 17 орасидаги босим кучларини амортизациялайди. Бу кучларнинг максимал қиймати арқоқ ишининг урилиши пайтида пайдо бўлади. Кулачок 2 ролик 6, уч елкали ричаг 7 нинг елкалари, брус 10 ва бердо 12 орқали арқоқ ипи урилишининг асосий жараёнини таъминлайди. Шунинг учун ҳалқа 18 нинг қаттиқлиги, ҳалқа 15 қаттиқлигига нисбатан катта танланган.

Конструкция бош вал 4 ва батан вали 11 нинг юкланишини камайтириш имконини беради, пухталикни оширади, шунингдек унумдорликни ошириш имконияти пайдо бўлади.

АХБОРОТ МАНБАЛАРИ:

1. RU 99486 U1
2. RU 2091523
3. Каримов Р.И. “Пахта саноати комплекси машиналари мисолида даврий механизmlар билан такомиллаштирилган юритма динамикаси”. Докторлик диссертацияси, Тошкент, 1993, 170-171 бетлар.
4. Тўқимачилик машиналари конструкцияси, ҳисоблаш ва назарияси асослари. М., “Машиностроение”, 1975, 217-221 бетлар.
5. Патент FAP 01246, Бюл. №10, 2017
6. Якубовский Ю.В., Живов В.С., Коритысский Я.И., Мигушов И.И., Основы механики нити. М., «Легкая индустрия», 1973, 271 с.